# ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

жазоланганини яхши биладилар. Бироқ Марказий Комитет Бюроси бу жойларда ҳам мазкур областларнинг раҳбарларидан давлатни алдаганликлари учун чинакам жавоб талаб қилмаганини тан олиш керак. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент область партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Ғойибов, Каримов, Худойберганов, Мусахоновлар аввалига ҳурмат билан дам олишга кузатилди ва катта пенсия билан таъминлаб қўйилди. Бухоро область партия комитетининг собиқ биринчи секретари, ашаддий жиноятчи Каримов эса бамайлихотир мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари этиб тайинланди. Худойберганов эса 1984 йилнинг охирида ҳатто Марказий Комитет Бюросининг ташаббуси билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони беришга тақдим этилди. КПСС Марказий Комитети бу таклифни қўллаб-қувватламаганлиги ўз-ўзидан равшан.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида экономикага қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги, социалистик қонунчиликни жиддий равишда бузганлиги, порахўрлик, порага сотилиш, ошна-оғайнигарчиликнинг кўпдан-кўп фактлари учун Қорақалпоғистон область партия комитетининг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди. Бироқ Марказий Комитет Бюросининг тавсиясига мувофиқ, область партия комитетининг биринчи секретари Камолов чет элга масъулиятли ишга юборилди.

Марказий Комитет Бюроси аъзолигига собиқ кандидат, ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Орлов кадрлар тарбиясига ўнглаб бўлмайдиган зиён етказди. Рашидовнинг содиқ «сафдоши» ва гумаштаси бўлган мана шу югурдак ўзининг жиноий ҳаракатлари билан раҳбар ходимларнинг оммавий равишда айнишига сабаб бўлди. Бироқ нақадар ғалати бўлиб туюлса-да, у ҳам Марказий Комитет Бюросининг тавсияси билан шахсий пенсияга сазовор бўлди. Энди Орлов ҳам жиноий жавобгарликка тортилган.

Марказий Комитетнинг собиқ секретари Р. Ҳ. Абдуллаева хусусида Марказий Комитет Бюросининг қатъиятсизлиги ва очиғини айтганда, сиёсий бефарқлиги жуда кўп даражада яққол кўринди. Қайта қуриш ниқоби остида идеологияда валюнтаристликдан иборат яроқсиз йўлни ўтказиб келган мана шу риёкор «арбоб»нинг ҳақиқий башарасини билиб олиш учун уч ярим йил вақт керак бўлди.

Тошкент областида қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишнинг жуда қўпол фактлари аниқланди, ҳозир жиноий жавобгарликка тортилган Мусахонов бу ерда узоқ вақт область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб келди. Марказий Комитет Бюросининг ҳозирги аъзолари В. А. Антонов ва Т. А. Алимов ўртоқлар у билан бирга областга раҳбарлик қилган эдилар. Кўзбўямачилик учун улар ҳам маънавий жиҳатдан жавобгардирлар. Аммо биз «қўшиб ёзишнинг Тошкент технологияси» соҳасидаги ўзларининг принципсиз позицияларини ошкора қоралаганликларини шу пайтгача ҳам эшитганимиз йўқ.

Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ В. А. Хайдуров ҳам ўтмишдаги салбий ҳодисалар хусусида индамай туришни афзал кўрмоқда. Унинг бошчилигидаги республика Халқ контроли комитети ашаддий ўғирликлар, қўшиб ёзишлар ва бошқа шаклдаги хўжасизликларни тугатишда лозим даражада қатъият ва сабот кўрсатмаяпти. Комитет раиси Марказий Комитетнинг айрим топшириқларини бажараётган бўлса ҳам, ўзи етарли равишда ташаббус ва тиришқоқлик кўрсатмаяпти, экономикада ва социал соҳада етилган йирик муаммоларни танқидий таҳлил этишдан ўзини четга олмоқда.

Бугун Марказий Комитет пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг фаолиятида нега бундай принципсиз ҳаракатларга йўл қўйилди, деб сўрашга ҳақлидир. Демак, ҳали салбий ҳодисаларнинг айбдорларига ва уларни ёювчиларга нисбатан қатъий талаб, букилмас қаттиқ позиция вужудга келтирилган эмас.

Бундай кўнгилчанлик ва йўл қўйиб беришлик республиканинг бошқа партия комитетларига ҳам юқмоқда. Салбий сабабларга кўра, лавозимидан озод қилинган Марказий Комитет номенклатурасидаги собиқ 45 нафар ва область партия комитетлари номенклатурасидаги 110 нафар ходим ҳамон раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турибди. Жиззах, Сурхондарё, Тошкент областларида улар ўз лавозимини суиистеъмол қилганликлари ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатлари учун ишдан олинган ҳар тўрт кишидан бирини ташкил этади. Бирорта ҳам область, шаҳар ва район партия комитети ҳозирча пора берганликда фош этилган ва турли сабабларга кўра жиноий жавобгарликка тортилмаган бир қанча раҳбар ходимларга зарур партиявий баҳо беришга журъат этмади.

Илгаригидек, кадрларни ўйламасдан бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ҳоллари учраб турибди ва биз ҳозир ҳам район партия комитетларининг биринчи секретарлари ўз лавозимларини суиистеъмол қилаётганликларидан хабардор бўляпмиз. Масалан, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов кадрлар масаласини ҳал этишда субъективизмга йўл қўймоқда. Бу ерда ташқаридан қараганда коллегиалликка риоя этилаётгандек кўринади, кўпдан-кўп беҳуда, тинкани қуритадиган кенгашлар ва мажлислар ўтказилади, аммо вазифаларни аниқ-пухта тақсимлаш ва партиявий талаб бутунлай етишмайди.

Яқинда «Правда» газетасида босилган «Мансабига қараб сийлов» мақоласи Марказий Комитет Бюроси шанига жиддий таъна бўлди. Мақолани ўқиган киши ташвишли хулосаларга боради. Кейинги йилларда қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликлардан қатъиян халос бўлиш, алдаш ва ишларнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатишга ҳар қандай уринишларнинг қатъиян пайини қирқиш зарурлиги тўғрисида бир неча бор гапирилди. Республика Автомобиль транспорти министрлигида содир бўлган воқеа мана шу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатга нисбатан Марказий Комитет Бюросида қатъий позицияда турилмаганлигини, Марказий Комитетнинг айрим аъзолари букилмас принципиаллик зарур бўлган жойда кўнгилчанлик қилишга мойил эканликларини кўрсатди.

Марказий Комитет Бюросида партиявий тартибда жазоланган Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. Заҳриддинов, Госплан раисининг ўринбосари А. Маҳмудов, министр О. Азимбеков яқинда эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар. Бироқ, афсуски, Марказий Комитет Бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодиров қўшиб ёзувчилар айбини зўр бериб юмшатишга уринди. У бекорга шундай қилмоқда, ваҳолонки эгаллаб турган юксак лавозими унинг мард ва принципиал бўлишини тақозо этади.

Биз ҳамиша кадрларнинг ўз қилмишлари учун муқаррар жазоланишлари ва маънавий жавобгарлиги тўғрисида, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишимиз кераклиги тўғрисида Ленин кўрсатмаларини ёдда тутишимиз зарур. Бунда гап шафқатсизлик тўғрисида эмас, кадрларни аёвсиз савалаш тўғрисида эмас, балки республика партия ташкилотининг обрў-эътибори, унинг ўзини-ўзи тозалаш қобилияти тўғрисида боряпти.

Турмуш ҳар биримизнинг мустаҳкам иродамизни ва собитқадамлигимизни яна кўп марта синовдан ўтказади. Ҳаёт андаккина бўлса-да ожизлигимизни кечирмайди. Салбий ҳолатлар оқибатларини таг-томири билан тугатишга тааллуқли барча нарсаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим. Ўшандагина биз хўжалик юритишимиздаги кўпгина жиддий ўпирилишлардан халос бўла оламиз.

## II. ЭКОНОМИКА—ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

Ўртоқлар!

Қайта қуришга оид барча ишларимиз энг аввало Марказий Комитет Бюросининг республиканинг социал-иқтисодий ривожланишига раҳбарлик практикаси, хўжалик ва маданий қурилишдаги амалий натижалар билан ўлчанади.

Юқорида ишлаб чиқариш фаолиятидаги бир қанча ижобий жиҳатлар тилга олинди. Бироқ, умуман, Ўзбекистон халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига баҳо бериладиган бўлса, у ғоят таҳликали ва қониқарсиздир. 1987 йилдаги ишлар якунларининг таҳлили республика мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлардан анча орқада қолаётганлигини кўрсатади. Бизда миллий даромаднинг ўсиш суръатлари Иттифоқдагига нисбатан уч баравар пастдир. Биз саноатда бир ярим марта орқада қоляпмиз. Қишлоқ хўжалигида мамлакатда ўртача йиллик ишлаб чиқариш ўн биринчи беш йилликка нисбатан 9,3 процент кўпайгани ҳолда, бизда эса илгари айтиб ўтилганидек, камайишга йўл қўйилди. Бошқа тармоқларда ҳам кўрсаткичлар пасайиши содир бўлмоқда.

Умуман, индустрия ҳамон бир жойда депсиниб турибди, баъзи жиҳатдан эса орқага кетмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг ўртача йиллик суръатлари пасайди. Аввалги беш йилликда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари йилига 4,7 процентни, шу беш йилликнинг икки йилида эса ўрта ҳисобда 4 процентни ташкил этди, бу эса план топшириғидан анча пастдир.

Фонд самарадорлиги пасайиб боряпти. Агар 1985 йилда халқ хўжалигидаги асосий фондларнинг ҳар бир сўми 43 тийинлик маҳсулот берган бўлса, 1987 йилда эса бу рақам 38 тийинни ташкил этди. Ўтган йили шартномавий мажбуриятларни бажариш 97,7 процент бўлди. Бу — мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Биз конкрет ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаётган турли хил комплекс тадбирлар ва тармоқ программаларини ишлаб чиқишга кўп куч сарфлаяпмиз. Индустриал комплексга оид ишлаб чиқилган ва Марказий Комитет Бюроси маъқуллаган 6 та комплекс программадан бирортаси ҳам тўла ҳажмда бажарилмаяпти.

Республика Министрлар Совети ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан янгилаш юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. Амалда эса нималар қилинди? Умуман саноатда асосий фондларнинг сарфланиш коэффициенти атиги 2,1 процентни ташкил этди. Бундай суръат билан саноатда ишлаб чиқариш аппаратини тўла янгилаш учун 35—40 йил талаб этилади. Тарих бизга бундай муддатни бермайди.

Ўтган йили саноат корхоналарининг 53 проценти янги техникани жорий этиш билан умуман шуғулланмади. Пленумга тайёргарлик чоғида ишни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, ўтган йили 96 та роботлаштирилган технология комплексларининг ҳар бештасидан бири ишламади. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарида рақамли программа билан бошқариладиган ускуналардан 70—80 процент, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги ва Мебель саноати министрлиги корхоналарида 60 процент фойдаланилмоқда.

Республика машинасозлик корхоналарининг атиги 19 таси жаҳондаги техникавий даражага мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Марказий Комитетнинг оғир саноат ва машинасозлик бўлими (ўртоқ А. Ф. Змиевский), экономика бўлими (ўртоқ Ш. Ҳожимуродов) бундай турғун тенденцияларни таҳлил этмаяпти ва унга қарши чора кўрмаяпти, бир қанча энг муҳим тармоқларнинг ишлаб чиқариш программаси ғоят кам қувват ва самара билан ишлашини назарда тутган ҳолда тузилганлигига келишувчилик қилмоқда.

Кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар раҳбарларининг фан-техникавий тараққиёти масалалари хусусидаги эскича позициясига Марказий Комитет секретари ўртоқ А. С. Икромов зарур баҳо бермаяпти. У кўпгина раҳбарлар техникавий қолоқликка ёпишиб олганликларига тоқат қилиб келмоқда.

Бунинг устига фан-техника тараққиёти проблемалари теварагида кўпгина фирибгарлар пайдо бўлди, катта-катта маблағлар беҳуда сарфланмоқда. Республика автоматлаштирилган бошқарув системасининг барбод бўлиш тарихи бунга мисол бўла олади. Бундай система 1973 йилдан бери ишлаб чиқилмоқда. Ана шу мақсадлар учун сарфланган маблағларнинг умумий қиймати салкам 300 миллион сўмни ташкил этди, бироқ программа ниҳоясига етказилмади. Аммо республика автоматлаштирилган бошқарув системасини яратиш билан шуғулланувчи бош корхона — кибернетика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 364 та докторлик ва кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бир қанча раҳбарларнинг кўпдан-кўп фарзандлари ва қариндош-уруғлари бу ерда паноҳ топди ва «илмий» лавозимга эришди. Марказий Комитет Бюроси яқин вақт ичида бу ишни батафсил ва принципиал жиҳатдан кўриб чиқишни мўлжалламоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини рўёбга чиқариш энг муҳим соҳалардан биридир. Мазкур тармоқларда улкан вазифалар турибди. Масалан 1990 йилда халқ учун буюмлар ишлаб чиқаришни деярли бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Лекин бу рақамлар бизни маҳлиё этмаслиги керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўсишга, кескин ўсишга эришмоқ зарур. Аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжи қондирилмаслиги, товар обороти плани товар ресурслари билан мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли республика деярли мушкул аҳволда турибди.

Беш йилликнинг икки йили давомида эса чакана нархлардаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани деярли 400 миллион сўмлик бажарилмай қолди. Министрлар Э. А. Таймазов, Ғ. Қурбонов, П. К. Нуъмонов, А. Г. Мананников, Б. И. Бугров ўртоқлар бошчилигидаги тармоқлар айниқса катта қолоқликка йўл қўйдилар.

«А» группаси корхоналарининг раҳбарларига нисбатан ҳам зарур талаб қўйилмаяпти. Улар кўплаб харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ҳануз ўзларининг зарур иши деб ҳисобламаяптилар. Пленум арафасида тегишли бўлимлар Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директори ўртоқ П. С. Мақсудовнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботини Марказий Комитет Бюроси муҳокамасига қўйдилар.

Коммунист раҳбар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Бюрога қандай тайёргарлик кўрди? Ҳеч қандай тайёргарлик кўрмагани аён бўлди. Агар ҳозирги кунда комбинат бир сўм иш ҳақи ҳисобига халқ учун 22 тийинлик товар ишлаб чиқараётган бўлса, йил охиригача эса бу кўрсаткични атиги 2 тийин кўпайтиришни мўлжалламоқда. Масалани тайёрлаган бўлимлар эса корхона резервларини очиб бериш ўрнига, бундай садақага рози бўлмоқдалар. Марказий Комитет секретари ҳам ҳақиқий партиявий талабчанлик сезилмаётган лойиҳага бемалол имзо чеккан. Ўйлаймизки, ўртоқ А. С. Икромов баъзи раҳбарларда зарур талабчанлик йўқлигини, раҳбарликда бўшанглик, қатъиятсизлик намоён бўлаётганлигини кўрсатиб ўтишга ва ўзи бошчилик қилаётган соҳада иш услуби ва методларини дадил қайта қуришни таъминлашга қодирдир.

Капитал қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилаш талаб этилади. Бу соҳада зарур бурилиш содир бўлмаяпти. Асосий кўрсаткичлар — асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича икки йилнинг плани бажарилмади.

Марказий Комитет Бюроси капитал қурилишда вужудга келган тўсқинлик механизмини бартараф этишга муваффақ бўлмади. Планлаштирувчи органлар, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органлари реал имкониятлар ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлигини ҳисобга олмай, иложи борича кўпроқ объектларни планга киритишга интилишдан ҳеч бир халос бўла олмаяптилар. Агар 1985 йилда битказилмай қолган қурилишларнинг умумий салмоғи 90 процентни ташкил этган бўлса, 1987 йилда эса 93 процентга етди.

Республика халқ хўжалиги учун қимматга тушаётган ва чўзилаётган объектлар сони камаймаяпти. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш барбод этилганлиги сабабли икки йил ичида 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Биз 1989 йилги планларнинг энг кўп даражада тиғиз, балансланган ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида уларни диққат билан кўриб чиқмоқчимиз.

Пудрат ташкилотларининг иши ҳам ҳозирги кун талабларига мос келмаяпти. Кўпгина пудрат ташкилотларида қурилиш ишлаб чиқаришини инженерлик жиҳатидан тайёрлаш ва ташкил этиш даражаси ғоят паст, кўплаб бекор туриб қолишларга ва иш вақти зое кетишига йўл қўйилмоқда. Ихтисослаштирилган ёрдамчи пудрат ташкилотларининг фаолияти зарур даражада мувофиқлаштирилмаяпти, ишлаб чиқариш маданияти ва ижро интизоми паст. Қурилишда малакали ишчилар етишмаяпти, вахта методи ривожлантирилмаяпти. Булар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ўртоқ В. Н. Лобко ўз диққат-эътиборини қаратиши зарур бўлган проблемалардир ва у қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмай, уларнинг камчиликларига тоқат қилиб келаётганлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Қурилишда бўлимларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишга тайёргарлик кўриши ва ўтиши суст бормоқда. Марказий Комитетнинг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими, унинг мудири ўртоқ З. А. Ботиров ушбу масалалар хусусида кўпроқ қатъият ва талабчанлик кўрсатиши керак.

Транспорт ва алоқа иши ҳам ўсган талабларга жавоб бермаяпти. Марказий Комитетнинг бўлими (ўртоқ А. С. Воеков), партия комитетлари бу тармоқларда қайта қуришга суст раҳбарлик қилмоқдалар. Транспорт харажатлари кўплигича қолмоқда, илгаригидек, пассажир транспортининг иши хусусида кўпдан-кўп ўринли шикоятлар тушмоқда, аварияларнинг олдини олиш ва салбий ҳолатларни таг-томири билан тугатиш учун таъсирчан кураш олиб борилмаяпти. Аҳолига алоқанинг барча турлари билан хизмат кўрсатиш яхшиланмаяпти.

Экономикамизнинг ғоят муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳал этилмаган муаммолар анчагина тўпланиб қолди. Беш йиллик бошидан бери деярли 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Жамоат секторида меҳнат унумдорлигининг ўсиши 10,3 процентни ташкил этиши лозим эди, амалда эса 3,8 процентни ёки 3 баравардан камроқни ташкил этди.

Агросаноат комплексини ривожлантириш масалаларига доир пленумлар ва актив йиғилишлари ўтказилди, Марказий Комитет Бюроси ва республика ҳукуматининг бу хусусда ўнлаб қарорлари қабул қилиниб, катта-катта программалар ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ уларнинг кўпчилиги Марказий Комитет, Министрлар Совети, Давлат агросаноат комитети бўлимларининг столларида ва сейфларида чанг босиб ётибди. Бу эса далалар ва фермалардаги ишлар аҳволига таъсир ўтказмаётир. Республиканинг ер, сув ресурслари, табиий-иқтисодий потенциалидан ҳамон қониқарсиз фойдаланилмоқда, суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги ғоят паст даражададир. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги атиги 23 центнерни, сабзавот ҳосилдорлиги 200 центнерни, дон учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги 35,5 центнерни, полиз маҳсулотлари ҳосилдорлиги 107 центнерни, узум ҳосилдорлиги 69 центнерни ташкил этди. Кўпгина областлар ва районларда бу кўрсаткичлар янада паст бўлди.

Жойлардаги, шунингдек республика органларидаги кўпгина ўртоқлар шу пайтгача озгина танқидни ҳам ўтмиш билан оқлашга уринмоқдалар. Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бундай истиқболсиз позиция айниқса пахтачиликда олға томон эмас, балки орқага судрайди. Ўтган йили пахта тайёрлаш планини атиги 26 та район, 353 та колхоз ва совхоз бажарди. Колхоз ва совхозларнинг учдан бир қисми ҳар гектар майдондан 20 центнердан камроқ ҳосил олди.

Меҳнатни механизациялаш даражаси пасайди. Кейинги бир неча йиллар мобайнида пахта теримида механизациялаш даражаси 40 процентдан ошмаяпти. Марказий Комитет Бюроси механизацияга қарши кайфиятларга бирон марта ҳам принципиал баҳо бермади, бундай кайфиятларга пахтачилик проблемаларига махсус бағишланган VII пленумда ҳам зарба берилмади. Бу эса ғоят муҳим масаладир. Ғўзани парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш билан боғлиқ ишларнинг бутун оғирлигини аёллар ва ўқувчилар зиммасига юклашга чек қўйиш вақти келди.

Марказий Комитет Бюроси ҳосилни йиғиштириб олишга ўқувчилар ва студентларни жалб этишда ҳам бебурдлик ва принципсизлик кўрсатди. Бюро ўтган йилнинг бошида мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб этмасликка қарор берганлиги тўғрисида ҳаммага маълум қилган эди, буни ҳамма жойда республика меҳнаткашлари қўллаб-қувватлаган эдилар. Шундан кейин Бюро қийинчиликлар олдида чекиниб, ношуд хўжалик раҳбарларининг фикрига қўшилган ҳолда мактаб ўқувчиларини теримга сафарбар этишга қарор қилди. Натижада Бюро ўз сўзининг устидан чиқмади ва план ҳам бажарилмади, одамларнинг партиявий қарорга нисбатан ишончига путур етди. Бундай икки хил ёндашув ва иккиланишларга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши зарур. Афтидан, Марказий Комитет Бюроси чинакамига ишга киришса, бу масалада зарур тартибни йўлга қўйиш учун унинг куч-ғайрати ва қатъияти етарлидир.

Биз пахтанинг нуфузини ва пахтакор касбининг обрў-эътиборини бутун чоралар била оширишимиз керак. Кўплаб қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачилик пахтачиликка катта зарар келтирди, албатта. Аммо ўзларининг бутун инсоний қалб ҳароратини оппоқ чаноқларга бағишлаган ҳалол, виждонли кишилар, шонли колхозчиларимиз ва совхозларнинг ишчилари, мутахассислар шанига доғ тушириб бўлмайди.

Пахтачилик соҳасида илгаридан ўз ишини севадиган ва яхши биладиган, ҳақиқий пахтакор бўлган юз минглаб кишилар ишламоқда. Улар ота-боболаридан мерос қилиб олган ўз касб-кори билан фахрланадилар. Пахта— уларнинг фаровонлиги, шон-шарафи, ифтихоридир. Такрор айтаманки, пахтакорлик касби обрў-эътиборини бутун чоралар билан кўтариш лозим, пахтакорларнинг фидокорона меҳнати энг эзгу сўзларга лойиқдир.

Пахтачиликка янгича ёндашувларни излаш ва қидириб топиш, одамларни бунёдкорлик меҳнатига отлантириш, уларга серунум ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш вақти келди. КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигига тааллуқли бир қатор қарорлар қабул қилиш билан бирга, бизга кенг имкониятлар яратиб берди. Энди ҳамма нарсани қилиш: интенсив технологияни жорий этиш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, механизация, энг аввало йиғим-терим ишлари даражасини қатъиян ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари — ерни ижарага бериш, пудрат, хўжалик ҳисобини авж олдириш, сут-товар фермаларида бир маромдаги ишни йўлга қўйиш мумкин.

Чорвачиликда ишларнинг аҳволини қатъиян яхшилаш зарур. Ўтган йили гўшт етиштириш плани 95 процент бажарилди. Кўп чорва мол касалликларга учраган. Зооветеринария ва наслчилик иши ниҳоятда ёмон йўлга қўйилган. Энг муҳими эса меҳнаткашларнинг дастурхонида ҳозирча гўшт ва сут маҳсулотлари кўпаймаяпти.

Давлат агросаноат комитети ходимларининг виждонан ишламасликлари ва шахсан Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековнинг назорат қилмаётганлиги сабабли КПСС Марказий Комитетининг хўжаликлар шартнома нархлари асосида сабзавот ва меванинг 30 процентини сотиш ҳисобига шаҳар аҳолисини шундай маҳсулотлар билан таъминлаш тўғрисидаги қарори эътиборсиз қолмоқда. Давлат савдосида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бундай маҳсулот атиги 6 сўмлик, яъни спиртли ичимликларга қараганда етти баравар кам сотилаётганлигига йўл қўйиб бўладими, ахир?

Тошкент шаҳрига маҳсулот етказиб бериш чоғида область ташкилотлари интизомсизлик, кўпинча эса маҳаллийчилик ҳам қилмоқдалар. Сурхондарё области маҳсулот тайёрлаш умумий ҳажмини бажаргани ҳолда ўтган йили Тошкентга 2,3 минг тонна гўштни кам етказиб берди, Қашқадарё области ҳам топшириқни бажармади. Жиззах областидан ташқари биронта область Тошкентга полиз маҳсулотлари ва ҳўл мева етказиб бериш топшириқлари бажарилишини таъминламади. Бунинг учун ҳеч ким мутлақо жавобгар бўлмаганлиги нотўғридир.

Мана шуларнинг ҳаммаси агросаноат комплексида янгича ёндашувларнинг йўқлигидан, эски, сийқа услубларга берилиш ҳоллари, айниқса, равшан намоён бўлаётганлигидан яна бир бор яққол далолат бермоқда. Шу пайтгача Министрлар Советидан бошлаб республиканинг кўпгина раҳбарлари қайта ишлаш саноати қувватларининг ривожлантирилишига эътибор бермаяптилар, бир қанча ҳолларда эса корхоналар ниҳоятда ташландиқ ҳолга келтириб қўйилган. Масалан, консервалар ишлаб чиқарувчи мавжуд линияларнинг 80 проценти ишлатилмоқда. Самарқанд вино комбинатида табиий шарбат ва ичимликлар ишлаб чиқарувчи учта линиянинг фақат иккитасидан, Красногвардейский комбинатида эса атиги ярмидан фойдаланилмоқда. Гўшт комбинатлари ва сут заводларида маҳсулотни қайта ишлаш даражаси паст. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қувватлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Республикамиз учун жуда муҳим бўлган сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш каби масала тўғрисида ҳам гапириб ўтмасдан бўлмайди. Сувни тежаш бунинг бирдан-бир йўли эканлигини ҳамма уқиб олиши лозим. Бундан бошқа йўл йўқ.

Куни кеча КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончиликдаги сув сарфини анча камайтиришни таъминлаш, мавжуд суғориш системаларини изчиллик билан комплекс реконструкция қилиш, суғоришда сувни тежайдиган технологияни бутун чоралар билан жорий этиш вазифаси қўйилди. 1991 йилдан бошлаб сув учун ҳақ тўлаш иқтисодий нормативларини истеъмолчиларга етказиш, шу беш йилликнинг охиригача ҳар гектар ер ҳисобига сув сарфи салмоғини 15 процент камайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Саноатда маҳсулот бирлигига сув сарфи салмоғини камида 20 процент, коммунал хўжалигида эса 15 процент камайтириш зарур.

Демак, биз мелиорация соҳасига туб янгича ёндашувимиз керак. Ҳукуматнинг сув хўжалиги қурилишида инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва шу мақсадларга ажратилаётган жами капитал маблағнинг 70 процентини мелиорация соҳасидаги реконструкция ишларига сарфлаш тўғрисидаги қарори кенг имкониятлар очади. Биз эскидан ҳайдалиб келинган ерларни тартибга солишимиз лозим. Лекин шу билан бирга аҳолининг ўсишини эътиборга олиб, оқилона кўламларда янги ерларни ўзлаштириш керак. Биз янги ерларни ўзлаштирмай туриб, қишлоқ хўжалик муаммоларини муваффақиятли ҳал эта олмаймиз. Аммо дарҳол юксак самара олиш учун ерларни комплекс ўзлаштириш зарур. Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областлари, республиканинг амалда бошқа ҳамма областлари бунинг учун катта резервларга эгадирлар.

Марказий Комитет секретари ўртоқ В. А. Антонов мана шу барча муаммоларнинг ҳал этилишини йўналтириб, контрол қилиб бориши керак. У агросаноат комплекси ишларини ҳамиша ҳам чуқур билиб олмаётганлигини, жорий оператив кўрсатмаларга берилиб кетиб, туб, истиқболли масалаларни эътибордан четда қолдираётганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Унинг эскича, ўз умрини ўтаб бўлган иш формалари ва методларидан воз кечмаганлиги янгича услубларни хуш кўрмаслиги, дадил ёндашувлари ва ечимлари йўқлиги сезилиб турибди.

Ўртоқлар! Бошланган иқтисодий ислоҳот, корхоналар ҳамда ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш халқ хўжалиги комплексида қайта қуришнинг бош йўналишидир.

Ўтган йили республикада 1248 та корхона ва ташкилот янгича шароитларда ишлади. Шу йилнинг бошларидан яна салкам 500 та корхона, ташкилот ва хўжалик, шу жумладан, Сурхондарё области агросаноат комплексининг ҳаммаси хўжалик юритишнинг янги механизми асосида ишлашга ўтказилди.

Экономикада қайта қуришнинг дастлабки тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ислоҳотга ижодий ёндашиб, пухта ҳозирлик кўрилган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда. Масалан, Тошкент тикувчилик бирлашмаси коллективи меҳнат унумдорлиги ва фойда олиш соҳасида юқори даражани таъминлаб, ишлаб чиқаришнигина эмас, шу билан бирга уй-жой қурилишини ривожлантириш масалаларни ҳам яхшироқ ҳал этиш имкониятига эга бўлди.

Афсуски, бундай мисоллар ҳозирча кўп эмас. Умумий манзара эса шундан далолат бермоқдаки, Марказий Комитет Бюроси, республика ҳукумати партия, совет, хўжалик органларини иқтисодий ислоҳотга ҳар томонлама ва чуқур тайёргарлик кўришга ўз вақтида йўналтирмадилар. Янги йилдаги ишнинг дастлабки ўн кунликлари «Узбекхиммаш», «Средазкабель» бирлашмаси каби йирик корхоналарда тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга коллективлар тайёр эмаслигини кўрсатди. Масалан, машинасозлар январь ойининг 25 куни ичида ойлик программани 60—70 процент бажардилар. Барқарорлик, ишнинг мутаносиблиги ва бир мароми тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Кўпгина корхоналар шартномавий мажбуриятларини уддалай олишмаяпти, бу эса уларни синиш ёқасига келтириб қўйди. Ўтган йилнинг якунларига кўра, 1600 тадан кўпроқ корхона ва ташкилот оғир молиявий аҳволда қолди, ана шу корхона ва ташкилотларнинг бой берган фойдаси ва кўрган зарарининг умумий миқдори 700 миллион сўмга етади.

Агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи бундан ҳам баттар. Шу комплексдаги ҳар уч совхознинг бири йилни зарар кўриб якунлади, ссудалар ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг счётлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори 210 миллион сўмни ташкил этди.

Марказий Комитетнинг экономикага раҳбарлик қилувчи секретарлари корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни янгича шароитда ишлашга ўтказишнинг боришини пухта билишлари, партия ташкилотлари ва комитетларини шундай шароитдаги ишни ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлашга йўналтиришлари керак. Республика Министрлар Совети, шахсан ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодиров барча министрликлар ва идораларни ишлаб чиқариш-иқтисодий масалаларни чуқур ишлаб чиқишга йўналтириб, план ва молия органларига нисбатан алоҳида талабчанлик қилишлари лозим.

Йўл қўйилган хатолардан тўғри хулосалар чиқариб олиш керак. Ҳозирги вақтда республика экономикасини молиявий соғломлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган программа Марказий Комитет Бюроси ва ҳукуматнинг доимий назорати остида бўлиши лозим.

Бошқариш структурасини қайта қурмай туриб, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Бизда бошқариш аппарати ҳаддан ташқари ошиб кетган, министрликлар ва идоралар сони жуда кўп, баъзида областлар ва районлар асоссиз равишда ташкил қилинди. 1970—1985 йиллар мобайнида бошқарув ходимлари сони 1,7 баравар, уларга сарфланган харажатлар эса 1,8 баравар кўпайди. Иш билан банд бўлганлар орасида бошқарув ходимларининг салмоғи 14,5 процентга етди, бу эса иттифоқдош республикалар ўртасида энг юқори кўрсаткичларнинг биридир. Республикамизда ҳар бир министрликка ўрта ҳисобда Украинадагига қараганда 3,7 баравар ва Россия Федерациясидагига қараганда 10 баравар кам корхона тўғри келади. Бюрократизмнинг қанчадан-қанча «жин кўча» ва боши берк кўчалари юзага келдики, жонли амалий иш уларнинг ичидан чиқолмай қолмоқда.

Ҳозир бошқариш структурасини такомиллаштириш, бошқарув ходимларини, шу жумладан, министрликлар ва идоралар марказий аппарати бошқарув ходимларининг камида ярмини, область ижроия комитетлари бошқарув ходимларини 30—35 процент қисқартириш тўғрисидаги таклифларни муфассал ишлаб чиқиш ниҳоясига етай деб қолди. Маъмурий-территориал бўлинишни тартибга келтириш назарда тутилмоқда.

Бу — мураккаб проблема, аммо уни тез ва қатъият билан ҳал қилишга тўғри келади. Бунда яна Марказий Комитет Бюросининг қатъияти ва барча кадрларимизнинг ҳалоллиги талаб этилади. Умуман шуни айтиб ўтиш кераки, бугунги кунда республикадаги кўпгина муаммолар биздан қатъият ва дадилликни талаб этмоқда.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш мана шундай энг ўткир муаммолардан биридир.

Ушбу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг қарори қабул қилингандан кейин республикада муайян ишлар ўтказилмоқда. Икки йил ичида салкам 300 минг киши ижтимоий-фойдали меҳнатга (ўқишни ҳам ҳисобга олганда) жалб қилинди. Лекин ҳали жуда кўп ишлар қилингани йўқ, баъзи нарсалар эса ҳозирча кўнгилдагидек чиқмаяпти. Тармоқ ва территориал номутаносибликларини тугатиш, сермеҳнат ишлаб чиқаришларни устун равишда ривожлантириш ҳамда уларни ўртача ва кичик шаҳарларга, қишлоқ районларига кўчириш соҳасидаги ишлар бошланмаган.

Одамларни республика ичкарисига ва айниқса, унинг ташқарисига кўчириш йўлидаги ҳаракатлар жуда суст. Кўп йиллар мобайнида биз ҳатто Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги қўриқ совхозларни лоақал ўша Фарғона водийсидан кадрлар билан таъминлай олмаяпмиз. Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга, Сибирь, Узоқ Шарқ ҳамда мамлакатнинг бошқа регионларидаги қурилишлар ва корхоналарга ишчи кучини уюшган ҳолда жалб этиш масалалари ниҳоятда секинлик билан ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

(Давоми учинчи бетда).

# ҚАЙТА ҚУРИШГА РАҲБАРЛИК ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ ҲИСОБОТИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Ниҳоят, илгари гапириш одат бўлмаган яна бир факт демографик вазият тўғрисида. Республика аҳолисининг ўсиш суръатлари Умумиттифоқ кўрсаткичидан уч баравардан зиёд ошиб кетмоқда. Кейинги олти йил мобайнида аҳоли 3 миллион кишига кўпайди.

Демографик ўсишнинг бундай суръатлари республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришга қараганда анча илдам бормоқда. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг юксак даражада ўсиши билан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражаси пастлиги ўртасидаги, социал неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжлар билан уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Аҳоли умумий сонининг бешдан икки қисмидан кўпроғи бировлар қарамоғидаги кишиларни ташкил этди. Ваҳоланки, республикамизда ҳар бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги ва иш унуми саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга қараганда 1,5—2 баравар пастроқдир. Аҳоли жон бошига даромадлар Умумиттифоқ кўрсаткичларидан анча камлигининг боиси ҳам мана шунда.

Ҳисоб-китоблар бундай тенденция кейинчалик ҳам сақланиб қолган тақдирда яқин келажакда аҳолининг турмуш даражаси унча кўпаймай, мавжуд тафовут камайиши бир ёқда турсин, балки ошиб боришидан далолат бермоқда. Шу боисдан Марказий Комитет Бюроси, ҳукумат, республиканинг кенг жамоатчилиги оилани оқилона планлаштириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш маданиятини ошириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб ташкилотчилик ҳамда тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

## III. ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК—ИНСОН ОМИЛИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

Инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш — қайта қуриш йўлидаги барча куч-ғайратларнинг объекти ва мезонидир. Бироқ Марказий Комитет Бюросининг ишига мана шу позициялардан баҳо бериладиган бўлса ҳозирча кўп иш қилинмаганлигини рўй-рост эътироф этиш керак.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган тармоқлар орасида соғлиқни сақлаш энг қолоғи бўлиб қолмоқда. Илгари ишлаб чиқилган республика «Саломатлик» программаси асоссиз эканлиги сабабли бажарилмаяпти. Кўпгина йирик корхоналарда, хўжаликларда, аҳоли пунктларида энг оддий медицина ёрдами бериш учун энг оддий шарт-шароитлар ҳам йўқ. Республикамизда ҳар 10000 киши ҳисобига врачлар Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 25 процент камдир. Медикларнинг малакаси паст, тор доирадаги мутахассис врачлар ва аввало, педиатрлар етишмаяпти. Аҳолининг кўп қисми яшаётган қишлоқда, айниқса, ташвишли аҳвол вужудга келди, республика врачларининг 20 процентдан камроғи қишлоқда ишламоқда. Фельдшерлик-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, участка касалхоналарининг кўпчилиги мослаштирилган, аммо нормал санитария-гигиена шароитлари билан таъминланмаган биноларга жойлашган, болалар ва оналарнинг ўлими ортиб бормоқда.

Биз энди одамларнинг сиҳат-саломатлигига шундай масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинишига тоқат қила олмаймиз, тоқат қилишга ҳаққимиз йўқ. Биз бугун ишнинг шу соҳаси учун масъул бўлган Марказий Комитет аъзолари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ С. У. Султоновага, соғлиқни сақлаш министри ўртоқ С. М. Баҳромовга, Марказий Комитет фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири ўртоқ Н. Т. Тўхлиевга жиддий эътироз билдиришга ҳақлимиз.

Яқинда соғлиқни сақлаш проблемалари билан шуғулланувчи фавқулодда ҳукумат комиссияси тузилди. Шу комиссиянинг таклифига биноан Марказий Комитет Бюроси ва республика ҳукуматининг бўшаётган маъмурий биноларни касалхоналар ҳамда даволаш муассасаларига бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди, соғлиқни сақлаш хизматини мустаҳкамлашга доир бошқа чора-тадбирлар кўрилмоқда. Марказий Комитет Бюроси яқин вақт ичида мазкур масалани кўриб чиқиб, мана шу ғоят муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш учун ҳамма ишни қилади.

Савдо ва хизмат соҳасини ҳақли равишда экономиканинг кўзгуси, аниқ кўрсаткичи деб атаймиз. Афсуски, бу кўрсаткич бизда бир жойда қотиб қолган. Ҳолбуки, бу ишни ташкил этишда жиддий нуқсонлар мавжуд, Совет савдоси қоидаларини кўпдан-кўп бузиш ҳоллари давом этмоқда.

Янги йил арафасида ва байрам кунларидагина Фарғона, Наманган областлари ҳамда Тошкент шаҳридаги магазинлар ва савдо нуқталарида жами 450 минг сўмликдан кўпроқ гўшт, товуқ, сариёғ, колбаса ва кондитер маҳсулотлари, цитрус мевалар каби ва бошқа, айниқса, тақчил молларни яшириб қўйишдан иборат 180 тадан кўпроқ факт аниқланди.

Хизмат кўрсатиш маданиятида сифат жиҳатидан бурилиш юз бергани йўқ. Магазинда, ошхонада, маиший хизмат пунктида кўпинча қўполликка, сурбетликка, харидор ва мижозга нисбатан ҳурматсизлик ҳолларига дуч келинмоқда, растрата ва ўғирликлар кўпаймоқда. Давлат, кооператив савдоси ташкилотларининг раҳбарлари ўз ишини сабот билан яхшилаш ўрнига кўпинча хўжакўрсинчилик билан шуғулланмоқдалар.

Марказий Комитет Бюросининг аъзоси ўртоқ В. И. Огарок ҳамда Марказий Комитет савдо ва маиший хизмат бўлимининг мудири ўртоқ В. Ю. Зорин савдо ва маиший хизматни қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда кўпроқ қатъият, собитқадамлик кўрсатишлари керак. Улар камчиликларга қатъий эътибор беришлари, тармоқлардаги суиистеъмолчиликлар ва камчиликларга қарши курашда активларини анча оширишлари, ҳар хил қаллоблардан ва нопок кишилардан қатъиян халос бўлишлари шарт.

Энг муҳим вазифалар орасида уй-жой проблемаси ниҳоятда ўткирдир. Республикада 2000 йилгача мўлжалланган уй-жой программаси ишлаб чиқилган, бу программа Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида тасдиқланган. 209 миллион квадрат метр уй-жой барпо этиш ва шу тариқа мавжуд уй-жой фондимизни икки баравар кўпайтиришимиз лозим. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳозирча фақат рақамлардир, холос. Шу йил учун планда 7,4 миллион квадрат метр, беш йиллик мобайнида эса 42,6 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Энг оддий ҳисоб-китоблар бундай суръатлар ўртага қўйилган вазифаларни рўёбга чиқаришни таъминламаётганини кўрсатмоқда. Шу вазифаларни реал равишда амалга ошириш учун барча партия, совет, хўжалик органлари уй-жой қурилишига чинакамига киришишлари, тайёрга айёрликка барҳам беришлари, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан ўрнак олиб, маҳаллий ресурслар асосида ўз кучлари билан ишни авж олдириб юборишлари керак. Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районида ҳам шундай имкониятлар топилган. Марказий Комитет Бюроси уй-жой программасининг бажарилишини ғоят қаттиқ назорат қилиш ниятидадир, биз бу масалага ҳали бир неча марта қайтишимизга тўғри келади. Лекин, бизда кўпинча бўлаётганидек, бу программа яна бир дабдабали, аммо мустаҳкамланмаган қоғозда қолиб кетадиган иш бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилиш керак.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг боғдорчилик ва томорқачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини амалда барбод этиш меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига нисбатан амалдорларча лоқайдлик билан муносабатда бўлиш намунасидир. Корхоналар, қурилиш ташкилотларининг меҳнат коллективлари тўғрисида гап борганида Министрлар Совети ҳам, Давлат агросаноат комитети ҳам, Тошкент область ижроия комитети ҳам давлат манфаатларини ва суғориладиган ерлар тақчиллигини ниқоб қилиб олиб, масалаларнинг ҳал этилишига зўр бериб тўсқинлик қилмоқдалар. Ўз идораларининг аппарати учун эса ер топилар экан.

Давлат агросаноат комитети (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков), Узсовпроф (ўртоқ Ҳ. А. Алимова), Халқ контроли комитети (ўртоқ В. А. Хайдуров), Госплан (ўртоқ И. И. Искандаров), Ички ишлар министрлиги (ўртоқ У. С. Раҳимов) ҳамда республиканинг бошқа бир қанча министрликлари ва идоралари ўз мавқеидан фойдаланиб, ҳозирдаёқ ўзларининг ходимлари учун ер участкаларини ажратиб беришга улгурдилар. Бунда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Аввало, корхоналарда, қурилишларда, хўжаликларда меҳнат қилаётган кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча шароитларни яратиб бериш лозим.

Дарвоқе, социал сиёсатни рўёбга чиқаришда халқ депутатлари Советлари алоҳида роль ўйнайди. Иқтисодий ва социал масалаларни тобора актив ҳал этиш, ўз территорияларидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг маблағларини шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш мақсадида бирлаштириш учун Советлар барча ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эгадирлар. Бироқ Совет органлари бу соҳада кўраётган тадбирлар ҳозирча доимий бўлмай, бунда сусткашлик қилинмоқда.

Советларнинг ишида ҳали расмиятчилик кўп, улар эскича иш формаларидан ҳали ҳам воз кечганлари йўқ, ўтмишдаги сийқа фикрлаш усуллари Советларнинг сессия фаолиятида ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Шуни эътироф этишим керакки, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб турганимда мен ҳам республика Советларининг фаолиятини қайта қуришни жадаллаштиришнинг самарали воситаларини топа олмадим. Олий Совет Президиуми Советларнинг ташаббускорлигини авж олдириш, социал вазифаларни ҳал этишда талабчанликни ошириш юзасидан зарур чоралар кўриши керак.

Умуман мени тўғри тушунишингизни сўрайман. Мен ўзимни активлардан ажратмаяпман, ҳеч кимни четдан туриб танқид қилаётганим йўқ. Мен Бюро аъзоси, эндиликда эса биринчи секретарь сифатида йўл қўйилган камчиликлар учун ҳам, қайта қуриш жараёнларига зарур жўшқинлик, теранлик ва кенг кўлам бахш этиш, республика социал-иқтисодий тараққиётининг етилган проблемаларини ҳал этиш йўлларини топиш, уни муносиб равишда жадаллаштириш учун ҳам бутун жавобгарликни барча билан баробар зиммага оламан.

Проблемаларимизнинг фавқулоддалиги ва жиддийлиги тўғрисида гапирганда Марказий Комитет Бюроси уларни асло ноилож проблемалар деб таъкидлашни назарда тутмаяпти. Йўқ, гап бўлажак, жуда қизғин ва масъулиятли иш ҳақида бораяпти ва бу ишни тезроқ бажариш зарур. Марказий Комитет Бюроси шу пленумдан кейин дарҳол меҳнат коллективларининг иштирокида ва уларнинг ташаббусига таяниб, 1989 йил планига қўшимча резервларни киритиш мақсадида унинг лойиҳасини муфассал ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Резервлар эса оз эмас. Машина-ускуналар иш сменаси коэффициентини 2 га етказишнинг ўзиёқ 6 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Илғор тажриба, социалистик мусобақа, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш замирида катта-катта имкониятлар мавжуд.

1987 йилги иш якунлари ва тўлиқ ҳал этишга муваффақ бўлинмаган масалалар беш йилликнинг учинчи йилида, айниқса, қизғин вазиятни вужудга келтиради, бошланган йилда иқтисодий ва социал тараққиётни бутун чоралар билан жадаллаштириш, йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш вазифасини ўртага қўяди. Экономиканинг амалда барча тармоқларида бунинг учун имконият ва резервлар мавжуддир.

Саноатда беш йиллик планнинг уч йилиқа кўзда тутилган натижаларга эришиш учун, қолоқликни эътиборга олганда, камида 6,1 процент ўсишни, меҳнат унумдорлиги суръатларини эса камида 4,4 процент оширишни таъминлаш керак.

Қурилиш комплексида беш йиллик марраларига чиқиб олиш учун бу йил 316 миллион сўмлик қўшимча қурилиш-монтаж ишларини бажариш керак, бунинг учун меҳнат унумдорлигини камида 5 процент ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида пахта тайёрлаш ҳажмлари камайтирилганлигини эътиборга олиб, пахта-беда алмашлаб экиш сўзсиз жорий этилишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бунда Марказий Комитет Бюросининг ишончи комилки, республика илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини моҳирлик билан оммалаштириб, далаларнинг ҳосилдорлигини ошира бориб, шу беш йилликнинг охиригача ҳар йили белгиланган планларга қўшимча равишда 130—150 минг тонна пахта етиштира олади.

Иш манфаатлари бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигида ҳам қатъий тартиб ўрнатишни тақозо этади. Марказий Комитет Бюроси шу йилнинг ўзидаёқ дон ҳосилдорлигини гектар бошига 50 центнергача, картошкани — камида 150 центнерга, сабзавотни — 250—280, полиз маҳсулотларини—150, меваларни—70—80 центнерга ва узумнинг ҳосилдорлигини камида 100 центнерга етказиш керак, деб ҳисоблайди. Бу эса шу экинлар маҳсулотларидан кўрилаётган зарарга барҳам бериш имкониятини яратади.

Биз чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда ҳам олға томон қатъий қадам қўйишимиз шарт. Жамоат секторида ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини ҳар йили 150—200 килограмм ошириб бориш ва шу тариқа 1990 йилгача 2900—3000 килограмм сут соғиб олиш маррасига эришиш керак. Молларнинг ўртача суткалик эт қўйишини ошириш ва шу асосда вазни камида 450 килограммга борадиган анча семиз молларни гўштга топшириш учун реал шарт-шароитлар мавжуд. Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилган, озуқа экинлари экиладиган майдонлар янада кенгайтирилган, уларнинг ҳосилдорлиги оширилган тақдирдагина шу мақсадларга эришиш мумкин.

Кўриб турибсизларки, олдимизда ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли ишлар турибди. Белгиланган режалар амалда рўёбга чиқиши учун хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида куч-ғайратни икки карра, уч карра ошириш зарур. Бу ишларга эса Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бошчилик қилишлари лозим.

## IV. ТАШКИЛИЙ-ПАРТИЯВИЙ ВА ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК, УНИНГ ФОРМА ВА МЕТОДЛАРИНИ ЯНГИЛАЙЛИК

Ўртоқлар! Инсон омили асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлган қайта қуриш ижтимоий онгни кучайтиришни, янгича фикрлашни вужудга келтиришни биринчи ўринга чиқармоқда. Бу эса сиёсий-тарбиявий, идеология ишига тобора каттароқ талаблар қўймоқда.

Марказий Комитет Бюроси ўз фаолиятига ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериб, идеология соҳасига партиявий раҳбарлик практикасида туб бурилишга эришмадик, деб ҳисобламоқда. Ушбу соҳани янгилашга қаратилган йўлда жўшқинлик, изчиллик, вазмин ёндашув, ғоявий-тарбиявий ишни республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш проблемалари билан боғлаб олиб бориш етишмаяпти.

Бошқа кўп соҳаларда бўлганидек, бу жабҳадаги нуқсонлар ҳам муайян даражада идеология фронтидаги кадрлар билан ишлаш борасида содир бўлган камчиликлар оқибатидир. Волюнтаризм, шахсий садоқат, ошна-оғайнигарчилик позицияларидан раҳбарлик ишларига кўтариб қўйилган кишиларнинг кўпчилиги бу масъулиятли лавозимларга муносиб эмас. Рўй-рост айтиш керакки, Марказий Комитет Бюроси аъзолари идеология муассасаларидаги кадрлар масалаларини ҳал этишда зарур принципиаллик ва қатъият кўрсатмадилар.

Бир қанча идеология муассасаларига билими теран бўлмаган кишилар раҳбарлик қилаётганларига ҳозирги кунда ҳам муроса қилиб келинмоқда. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси С. Ш. Қурбонов ўз вазифасини уддалай олмаяпти. Республика Чет эл туризми бош бошқармасида (бошлиғи Ю. К. Юсувалиев), китоб савдосида катта бузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Шундай фактлар ҳам боркн, айрим раҳбарлар ишда нўноқ бўлишларига қарамасдан, яна манманлик билан иззат талаб қилмоқдалар.

Оммавий-сиёсий иш, лекция пропагандаси ҳали ҳам қайта қуриш вазифалари билан яхши боғланмаган, бу ишда кўпинча даврнинг ҳаётий эҳтиёжларидан четда туриб, эскириб қолган формалар ва методларга ружу қилмоқдалар. Сиёсий ва иқтисодий таълимни ташкил этишни қатъий кучайтириш талаб этилади.

Ўртоқ М. С. Горбачев яқинда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда барча идеология соҳаси ва айниқса кўп жиҳатдан қайта қуришнинг ижтимоий муҳитини шакллантирадиган матбуот, телевидение ва радио эшиттириш олдига янги вазифалар қўйди. Аммо матбуотимизни кўздан кечирар эканмиз, республикада қайта қуриш қандай кетаётгани, ижобий ўзгаришлар жараёни куч-қувватга тўлиб бораётгани, ҳаётда янги, соғлом нарсалар қарор топаётгани ва бунга нималар ҳалал бераётгани хусусида фикр-мулоҳаза юритиш ҳали қийин бўлмоқда.

Идеологик таъсирнинг қудратли воситаларидан бири бўлган республика телевидениеси ўз вазифаларини уддалай олмаяпти. Телевизион кўрсатувларнинг анчагина қисми мужмал, дид билан тайёрланмайди, масалалар янгичасига ва дадиллик билан, жиддий тарзда кўтариб чиқилмаяпти. Бунинг боиси шундаки, телевидение коллективида чинакам ижодий муҳит вужудга келмаган, кадрлар билан ишлаш бўшашиб кетган. Республика Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раҳбарлари И. Т. Юсупова ва Ш. Ғ. Яҳёев ўртоқлар ишида бирдамлик йўқлиги туфайли вазият чигаллашмоқда, улар ишга путур етказиб шахсий муносабатларини аниқлаб олиш билан, жиддий нуқсонлар учун масъулиятни бир-бирларининг зиммаларига юклаш билан овора бўлмоқдалар.

Идеология ишидаги камчиликлар — айрим хатолар ва муваффақиятсизликларнинг жўнгина йиғиндиси эмас. Бу камчиликлар кўпинча бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо этади, бир-бирини чигаллаштиради ва қайта қуриш йўлидаги тўғаноққа айланади. Аммо Марказий Комитетнинг пропаганда ва агитация бўлими (ўртоқ Ш. З. Камолхўжаев) бу камчиликларни ҳали диалектик бирликда ҳал этаётгани йўқ. Ижтимоий ҳаётдаги ошкоралик ва демократиялаш идеология ходимларига бериб қўйган имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ.

Маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар бўлиши лозим. Сўнгги вақтларда бизда зиёлилар билан дўстона ва мароқли мулоқот практикаси, маъмурий чеклашлар ва тақиқларни, субъектив баҳолар ва ёндашувларни истисно этадиган вазият қарор топа бошлади. Марказий Комитет секретарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан, ижодкор ёшлар билан учрашувлари одат тусига кирмоқда.

Айни вақтда баъзан бадиий ҳаётни янада демократиялаш бошқарув доирасида ҳам, ижодий ходимларнинг анчагина қисми томонидан ҳам қаршиликка учрамоқда, бу одамларга буйруқбозлик ва ҳомийлик обдон маъқул эди, улар амалдор паноҳида яшашга кўникиб кетган эдилар. Кўпгина санъаткорлар маданият муассасалари ва ижодий союзларнинг ташаббуси ҳамда мустақиллигини ривожлантиришга қаратилган йўлни бу уларнинг гражданлик ва профессионал фаоллиги ҳамда масъулиятини оширишнинг бош омили деб ҳали ҳам ҳисобламаяптилар.

Маданият министри ўртоқ Ў. Р. Умарбеков ҳам катта ғайрат кўрсатиб ишлайдиган вақт келди. Коллективларда соғлом аҳлоқий-психологик муҳитни вужудга келтириш жараёнига ушбу министрликнинг аралашмасликдек ғалати муносабати ҳамиша қарор топиб қолаверишига, ҳар қандай ўткир масалани партия органлари зиммасига юклашга интилаверишига қачонгача тоқат қилиш мумкин. Ижодий союзлар, театрлар, санъатнинг бошқа муассасалари фаолиятида гуруҳлар, маҳкамачилик манфаатлари ҳали ҳам биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Кинематография давлат комитетининг иши бугун алоҳида масала сифатида кўндаланг бўлиб турипти. Рўй-рост айтиш керакки, ўртоқ А. Тўраев бошчилик қилаётган ана шу соҳадаги ишлар яхши эмас.

Меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш ва миллий муносабатларни такомиллаштириш проблемалари жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ҳали яқин-яқингача ҳам бу ишда муаммо йўқ, деб ҳисоблаб келинган эди, эндиликда бу иш билан чуқур шуғулланиш зарур. Марказий Комитет бўлимлари, кўпгина партия комитетлари, идеология органлари фаолиятида аниқ-пухта система йўқ ва натижаларга танқидий баҳо берилмаяпти, салбий ҳоллар тилга олинмаяпти. Партия ва давлат аппаратини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, фан ва маданият муассасаларини тузишда, партияга қабул қилишда, давлат мукофотларига тақдим этишда миллий вакилликка риоя этилмаганини кўп ўртоқлар пайқамасликни маъқул кўрмоқдалар.

Сўнгги вақтда пайдо бўлаётган мақолаларда миллийлик ва интернационализм нисбатига, тилнинг ролига тааллуқли масалалар баъзан бўрттириброқ талқин этилаётганлиги фактига ҳам эътибор бермай бўлмайди. Яна конкрет-тарихий ва социал-синфий шароитлар тадқиқ этилмай тарихий воқеа ёки қаҳрамоннинг бирон-бир жиҳатини бўрттириб кўрсатишга уринишлар бўлмоқда. Бу борада Ёзувчилар союзи (ўртоқ О. Ёқубов) ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси (ўртоқ Э. Ю. Юсупов) ташқаридан кузатувчилик позициясини эгаллаб турибди.

Республикада анъаналар ва интернационализмнинг теран илдизлари бор. Анъаналар ва интернационализм шарқ меҳнаткашларининг рус пролетариати билан социал озодлик учун биргаликдаги курашида тобланди, социализм қурилишининг дастлабки кунларида бошланган чинакам қардошлик ва ўзаро ёрдам туфайли вояга етди. Бу анъаналар ва интернационализм урушнинг оғир йилларида, табиий офат туфайли вайрон бўлган Тошкентни тиклашда ёрқин намоён бўлди. Бу анъаналар ва интернационализм республикани ўпирилишдан чиқаришда марказнинг бугун бераётган мададида намоён бўлмоқда. Биз бир лаҳза бўлса ҳам буни унутмаслигимиз ва меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасидаги барча ишларни ана шу ҳаётбахш негизга қуришимиз керак.

Диний вазият мураккаб бўлиб қолмоқда. Марказий Комитет Бюроси, бўлимлари, партия комитетлари ва ташкилотлари коммунистларнинг ислом дини ва бошқа динларнинг таъсирига, диний-патриархал урф-одатларни миллий анъана ва маҳаллий хусусият деб рўкач қилишга уринишларга қарши курашдан бош тортиш фактларига принципиал баҳо берилишларига эришганлари йўқ. Ҳатто кўпгина коммунистлар, раҳбарлар учун мусулмончиликнинг «ҳаёт ҳикмати» устав, социалистик ахлоқ нормалари талабларидан кўра обрўлироқ бўлиб чиқмоқда. Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари М. Шерқулов «муқаддас қадамжони» қуриш ва ободонлаштиришда шахсан иштирок этганлигини, Самарқанд область ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари И. Қувондиқов масжид қурилишига ғайри қонуний тарзда анчагина моддий ресурслар ажратганлигини бошқача изоҳлаш мумкинми?

Марказий Комитет Бюроси, партия комитетлари аёлларнинг ор-номуси ва инсоний қадр-қиммати оёқ ости қилинаётганлигига норозилик белгиси сифатида хотин-қизлар ўзларини ўзлари ёқиб юборишлари давом этаётганлигига зарур сиёсий баҳо бермаяптилар. 1986—1987 йилларда 270 та ана шундай ҳунук воқеа рўй берди. Ўз жонига қасд қилган ёки қасд қилишга уринган кишилар орасида ўқувчилар, ВЛКСМ аъзолари бор. Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах областлари, Ғузор, Ургут, Китоб, Пайариқ районларида ана шундай ҳоллар айниқса кўп содир бўлмоқда.

Қачонгача биз буни кўра била туриб, кўрмасликка оламиз, қачонгача ўзимизни ўзимиз алдаб, масаланинг ўткирлигини хаст-пўслашга ҳаракат қилаётган, бу воқеанинг социал-сиёсий моҳиятини ҳар турли тўқиб чиқарилган сабаблар билан зўр бериб ёпиб кетишга уринаётган кимсаларга эргашаверамиз?

Атеистик иш масалалари хусусидаги қарорлар аслида бажарилмаяпти. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Қашқадарё областларида, бошқа регионларда ҳам бой-феодалларча урф-одатлар, патриархал расм-русумларга қарши кураш амалда тўхтатиб қўйилган. Эндиликда декларациялар ва «ишни ўнглаб олиш» ҳақидаги ваъдалар билан эмас, балки одамлар, аввало коммунистлар онгидаги икки хил қарашни букилмас ирода ҳамда обдон ўйланган конкрет, собитқадам ишлар билан бартараф этиш партия комитетлари фаолиятининг нормаси бўлиб қолиши керак.

Яна бир масала хусусида гапириб ўтмоқчиман. Кўпчилик раҳбар кадрлар, жумладан, олий бўғиндаги кўпчилик раҳбар кадрларнинг назарий саводсизлигига барҳам бериш керак. Республикамизда маълум салбий ҳодисалар муайян даражада шу сабабли содир бўлдики, кадрларнинг сиёсий билими юзасидан олиб борилаётган иш нураб кетган дунёқараш, расмиятчилик ва хўжа кўрсинчилик билан алмаштирилганида бу салбий ҳодисалар учун қулай замин вужудга келди.

Халқ маорифида ҳал бўлмаган проблемалар тўпланиб қолди. Мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумлардаги таълим ва тарбия даражаси фан-техника тараққиёти талабларидан жиддий орқада қолди. Иш шу даражага етдики, олий ўқув юртларимизни битириб чиқаётган кўпгина мутахассисларни меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришга яқинлаштирмай қўйдилар. Ўрта ва олий мактабислоҳоти карахт бўлиб қолди. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги (ўртоқ М. С. Салоҳиддинов), Маориф министрлиги (ўртоқ О. С. Аббосова), Ҳунар-техника таълими давлат комитети (ўртоқ Р. Х. Жўраев) ташқаридан кузатувчилик қилишдан нарига ўтишмаяпти.

Илм-фанни бошқаришнинг ташкилий формаларини, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашни такомиллаштириш проблемалари бизда ҳанузгача ҳал қилингани йўқ. Партия комитетлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши, республика министрликлари ва идоралари ҳали ҳам илмий потенциалга етарлича суянишаётгани йўқ, олимларнинг куч-ғайратларини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг бош проблемаларини ҳал этишга йўналтирмаяптилар. Илм-фаннинг республика штаби — Фанлар академияси (ўртоқ П. Қ. Ҳабибуллаев)да қайта қуриш суст бормоқда. Институт ва корхоналар биргаликдаги ишининг янги ташкилий формалари ниҳоятда суст жорий этилмоқда, тармоқлараро илмий-техника комплексларини яратиш йўлида, муваққат илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари тузиш йўлида тўғаноқлар бор. Марказий Комитет Фан ва ўқув юртлари бўлими (мудири ўртоқ Н. Т. Тўхлиев) ана шу энг муҳим участкалардаги турғунлик билан муроса қилмоқда.

Шу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этишга Марказий Комитет секретари ўртоқ М. Ҳ. Холмуҳамедов раҳбарлик қилмоқда. Унга оғир мерос қолганлигини ва ишни ўнглаб олиш учун анчагина куч-ғайрат сарфлаш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Аммо у ҳали лозим даражада зарур қатъият кўрсатмаяпти.

Кадрлар масалаларини ҳал этиш чўзилиб кетмоқда, идеология бўлимларининг аниқ-равшан йўли йўқ, ишчанлик юксак даражага кўтарилмаган. Шартта ҳал этилиши талаб этилаётган конкрет проблемалар кўпинча кўпдан-кўп келишувлар сабабли аросатда қолмоқда.

Салбий ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оширилган талаблар қўймоқда. Улар жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги маррасида турибдилар, аммо ўз зиммаларига юкланган вазифаларни тўла-тўкис бажармаяптилар.

Республикадаги оператив вазият ниҳоятда мушкул бўлиб турибди. Социалистик мулкка тажовуз даражаси аслида камаймаяпти, чайқовчилик, харидорларни алдаш кенг тарқалган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзида ҳам тартиб ўрнатилмаган. Бу органларда одамларга нисбатан бераҳмлик ва бағритошликка, социалистик қонунчиликнинг бузилишига барҳам берилмаган. Қарийб 300 граждан устидан асоссиз тарзда жиноий иш қўзғатилган эди, шулардан 45 киши кейинчалик судда оқланди. Қолған ишларни эса тергов органларининг ўзлари тўхтатдилар.

Судларда кўп ишлар йиғилиб қолади, анчагинаси бир неча бор такроран кўриб чиқиш учун қайтарилади. Гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилмаган.

Тергов ва прокурор назорати зарур даражада эмас. Маъмурий органларнинг раҳбарлари Д. А. Усатов, У. С. Раҳимов, Б. Ғ. Олимжонов, С. Й. Йигиталиев бу соҳада қатъий социалистик тартиб ўрнатиш учун ниҳоятда кескин чоралар кўрадилар, деб умид қиламиз.

Ичкиликбозлик ва самогон тайёрлашга қарши курашнинг аҳволи ниҳоятда ташвиш туғдирмоқда. Спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилиш, фоҳишахонага айланган квартиралар, ичкиликбозлик хусусида кўпдан-кўп фактлар аниқланди, ўтган йилга нисбатан самогон тайёрловчилар сони 10 баравар кўпайди, улардан қарийб 20 минг литр заҳарли ичимлик мусодара қилинди. Биз фақат маъмурий ва чеклаш тадбирлари билан, фақат милиция кучи билан бу офатни даф эта олмаймиз.

Одамларимизнинг жисмоний ва маънавий саломатлиги учун курашга идеологиямизни, бутун жамоатчиликни сафарбар этиш керак.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, республика экономикаси, социал соҳаси ва маънавий ҳаётида жуда ўткир проблемалар тўпланиб қолди. Юқоридаги таҳлил шундан далолат бериб турибдики, бу проблемаларни ҳал этиш аввало партия раҳбарлигининг услуб ва методларига, кадрларнинг билимдонлиги ва масъулияти даражасига боғлиқдир. Эндиликда барча категориядаги ходимлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, шунчаки ижрочи бўлмасдан, ташаббус кўрсатишлари, масъулиятни зиммаларига ола билишлари, зарур бўлиб қолганда, иш манфаатлари йўлида журъат билан ишлашлари, турғунликка, қолоқликка, ўз фаолиятсизлигини оқлаш учун эскириб қолган идоравий инструкцияларни рўкач қилишга уринишларга муросасиз бўлишлари керак.

Марказий Комитет Бюроси, партия комитетлари ва ташкилотлари шаҳар район партия комитетлари корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар, уларнинг бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш учун юборилган ходимларга дуруст амалий ёрдам бермаётирлар. Ўтган йилнинг ўзидагина шаҳар, район партия комитетларининг 146 секретари ўзгартирилди. Навоий, Жиззах, Қашқадарё областларида кадрларнинг ана шу категорияси айниқса кўп ўзгартирилмоқда. Ўтган йили Марказий Комитет Бюросининг аъзолари ишлар айниқса ночор аҳволда бўлган партия, совет, хўжалик органларининг раҳбарлари билан якка-якка суҳбатлашдилар. Аммо шундан кейин қолоқ участкаларда аҳволни ўнглаб олиш юзасидан конкрет ташкилотчилик иши, жумладан, Марказий Комитет секретарлари ва бўлимларининг конкрет ташкилотчилик иши бўлмади.

Ҳозир республика халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкилий структураси қайта кўриб чиқилаётганлиги муносабати билан шаҳар ва район партия комитетлари, совет органлари меҳнат коллективларини кадрлар билан мустаҳкамлаш учун янги катта имкониятлар очилмоқда. Марказий Комитет Бюроси, барча партия комитетларининг вазифаси қўли бўшаб қолаётган кадрлар потенциалидан тўғри, иш манфаатини ўйлаб фойдаланишдан иборат.

Биз учун янги бўлган иш формаси — раҳбарларни сайлаб қўйиш тобора кенг ёйилмоқда. Ўтган йили демократик асосда 20 мингдан кўпроқ мансабдор киши сайланди. Булар орасида корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, ўқув юртлари, фан ва маданият муассасаларининг раҳбарлари бор. Сайланган ўртоқларнинг кўпчилиги коллективнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига таяниб, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қатъият билан киришдилар, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий этиш учун дадил тадбирлар кўрмоқдалар, яхшилик сари ўзгариш бўлишига эришмоқдалар.

Аммо тан олиш керакки, Марказий Комитет Бюроси демократиялаш жараёнларини, жумладан, кадрлар ишини демократиялаш жараёнини суст йўналтирмоқда. Кўпчилик партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари демократиялаш шароитларида ишлашга, ҳозир биз ҳоли бўлишга ҳаракат қилаётган қариндош-уруғчилик, юртдошлик аломатларига кўра ўз одамини, ўзларига «қулай» одамни кўтаришга ҳаракат қилишларига самарали тарзда қарши туришга тайёр эмасликлари кўриниб қолди.

Хуллас, ўртоқлар, кадрлар ишини қайта қуришни кўп йўналишлар бўйича, кенг демократик асосда олиб бориш керак. Марказий Комитет Бюросининг вазифаси ана шу жараёнларни чуқур таҳлил этишдан, партия комитетлари ва ташкилотларининг ишини йўналтириб туришдан, расмиятчилик ва ножўя ишларга йўл қўйиб берилишининг пайини кескин қирқишдан, кадрларни юқори лавозимларга кўтаришда демократик негизларни ривожлантиришдан, уларнинг фаолияти устидан ошкора партиявий ва жамоат назоратини таъминлашдан иборатдир.

Қайта қуриш партиянинг таянчи сифатида олдинги марраларга чиққан область, шаҳар, район партия комитетларининг роли ва ўрнига янги омил бахш этади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси янги талабларга мувофиқ партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти услуби ва методларини танқидий таҳлил этиш ва уларга амалий таъсир ўтказишга интилди.

(Давоми тўртинчи бетда).

